



«DELTA-QURMAH»
Mas'uliyati cheklangan jamiyati
muassislarining 2021 йил 17 ноябр
Умумий йиғилиши қарори билан



«DELTA-QURMAH»
Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo'shma korxonasi

TA'SIS SHARTNOMASI
(Янги тахрир)

**«DELTA-QURMAN» Mas'uliyati cheklangan jamiyat
shaklidagi qo'shma korxonasi
TA'SIS SHARTNOMASI**

Тошкент шаҳри

17 ноябр 2021 й.

Бундан буён биргаликда «Иштирокчилар», деб номланувчилар куйидаги шахслар:

«V L GALPERIN NOMIDAGI TOSHKENT TRUBA ZAVODI» Ma'suliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo'shma korxonasi – «Тошкент труба заводи» кушма корхонаси фирма номининг узгарганлиги натижасида, КК Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишининг 2017 йил 06 апрелдаги қарори билан «Тошкент труба заводи» МЧЖ КК «V L GALPERIN NOMIDAGI TOSHKENT TRUBA ZAVODI» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo'shma korxonasi номи билан қайта ташкил этилди.

Тошкент шаҳар Шайхантахур тумани Хокимияти қошидаги ишбилармонлик суб'ектларига давлат хизматини курсатиш «ЯГОНА ДАРЧА МАРКАЗИ» да 24 апрель 2017 йили 853 –сон реестр рақами билан қайта руйхатга олинган, юридик шахс Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навои кўчаси, 24 уйда манзили буйича жойлашган. Жамиятининг Директори Sutsepina Viktoriya Dmitriyevna (паспорт маълумотлари: AA8768362 20.02.2015 yil Toshkent shahar Chilonzor tumani ИВ томонидан берилган);

«IRON CORPORATION LIMITED» Компанияси – Hong Kong томонидан 15 декабр 2017 йилда 2623855 –сонли реестр рақам билан руйхатга олинган. Юридик шахс: Suite 2405, Progress Commercial Building, 9 street, Causeway Bay, Hong Kong Bay, Hong Kong манзили буйича жойлашган.

Ширкатининг ишончли вакили 29.01.2019 йилдаги сонли ишончнома асосида Бектурганов Ергали (паспорт маълумотлари: P KAZ 10344158 08.06.2016 yil Қозоғистон Републикаси Адлия Вазирлиги томонидан берилган);

«PO'LAT-QUVURSERVIS» Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo'shma korxonasi – Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 19.03.2012 йилда 1277-сонли реестр рақам билан руйхатга олинган, юридик шахс Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навои кўчаси, 24 уйда манзили буйича жойлашган. Жамиятининг Директори XIDIROV UKTAM VALIDJANOVICH (паспорт маълумотлари: AB3329826 09.03.2016 yil Qashqadaryo viloyati Shaxrisabz tumani ИВ томонидан берилган);

Djumamuratov Baxtiyar Elmuratovich – Ўзбекистон Республика фуқароси, паспорт маълумотлари: AA 0478576 05.12.2012 yil Toshkent shahar Sirg'ali tumani ИВ томонидан берилган; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Спутник-4, 47 уй, 22 хонадон;

Gilmanov Nail Salmanovich – Ўзбекистон Республика фуқароси, паспорт маълумотлари: AA5020376 06.04.2014 yil Toshkent shahar Mirzo-Ulugbek tumani ИВ томонидан берилган; яшаш жойи: Тошкент шаҳри Мирзо-Улугбек тумани, Дўрмон йўли берк, 8 уй;

Jaimbetova Tamara Nurullayevna – Ўзбекистон Республика фуқароси, паспорт маълумотлари: AA1550382 20.05.2013 yil Toshkent shahar Yunusobod tumani ИВ томонидан берилган; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мавзе-9, 13 уй, 76 хонадон;

Miradullayeva Umida Yakubjanovna - Ўзбекистон Республика фуқароси, паспорт маълумотлари: AA3062604 03.03.2013 yil Toshkent shahar Sirgali tumani ИВ томонидан берилган; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Sirgali тумани, Узар-70 йер булагй;

Mesheryakov Yevgeniy Fedorovich - Ўзбекистон Республика фуқароси, паспорт маълумотлари: AA 5496229 21.05.2014 yil Toshkent shahar Mirobod tumani ИВ томонидан берилган; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Mirobod тумани, Reqk.r-2, 1 уй 93 хонадон;

Sabirov Abror Sabirovich – Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA8994235 16.03.2015 yil Toshkent shahar Mirzo-Ulugbek tumani IB tomonidan berilgan; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Қора-Су-6, 22 уй, 76 хонадон;

Sabirova Mutabarxon Yunusovna – Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA8997144 16.03.2015 yil Toshkent shahar Mirzo-Ulugbek tumani IB tomonidan berilgan; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Қора-Су-6, 22 уй, 76 хонадон;

Shahnazarov Aleksandr Eduardovich – Россия Федерацияси фукароси, паспорт маълумотлари: 724468904 06.05.2013 yil 77429 Federal migratsiya xizmati tomonidan berilgan; вақтинча регистрация килинган яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Сарабустон, 5 уй, 3 хонадон;

Sim Varvara – Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA 4437613 25.02.2014 yil Toshkent shahar Xamza tumani IB tomonidan berilgan; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Хамза тумани, Фаргона йули, 5б уй, 43 хонадон;

Vagarova Madina Hakimovna – Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA 5017627 08.04.2014 yil Toshkent shahar Mirzo-Ulugbek tumani IB tomonidan berilgan; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Дўрмон йўли берк, 8 уй;

Xodjinazarova Ra'no Tulkunovna – Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA9578268 03.05.2015 йил Toshkent viloyati O'rtachirchiq tumani IB tomonidan berilgan; яшаш жойи: Тошкент вилояти, Ўртачирчик тумани, Навруз тумани, 31б уй;

Xudaybergenov Zaxit Yunusovich – Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA5664790 10.06.2014 yil Toshkent shahar Yakkasaroy tumani IB tomonidan berilgan; яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Дамарик пр 69 уй.

Xan Sveta Inokentevna Ўзбекистон Республика фукароси, паспорт маълумотлари: AA5042192 09.04.2014 yil Toshkent shahar Mirobod tumani, Куйлюк-1, 23А уй 2 хонадон.

«DELTA-QURMAN» Mas'uliyati cheklangan jamiyatini tashkil etish maksadida куйидаги таъсис шартномасини туздилар:

1. Умумий қондалар

1.1. «DELTA-QURMAN» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo'shma korxonasi Ўзбекистон Республика-сининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида Тошкент шаҳар Сирғали туман ҳокимияти қошидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекцияси 2014 йил 8 октябрдаги 001278-06–сонли реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «DELTA-QURMAN» Акциядорлик жамиятини ўзгартириш натижасида ташкил этилган.

1.2. «DELTA-QURMAN» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo'shma korxonasi «DELTA-QURMAN» Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ворис ҳисобланади.

1.3. «DELTA-QURMAN» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo'shma korxonasi (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил юридик шахс мақомига, мустақил балансига эга ва ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади.

1.4. Жамият чекланмаган мuddатга ташкил этилади.

2. Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили

2.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

давлат тилида лотин алифбосида:

тўлик – «DELTA-QURMAN» Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo'shma korxonasi;

қисқартирилган – «DELTA-QURMAN» MChJ QK;

давлат тилида кирилл алифбосида:

тўлик – «DELTA-QURMAN» Мас'улияти чекланган жамияти қўшма корхонаси;

қисқартирилган – «DELTA-QURMAN» МЧЖ КК ;

рус тилида:

тўлик – Совместное предприятие в форме Общества с ограниченной ответственностью «DELTA-QURMAN»;

қисқартирилган – СП ООО «DELTA-QURMAN».

Жамият ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

2.2. Жамиятининг жойлашган ери ва почта манзили: **100155, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Хонобод кўчаси, 28/2.**

Электрон почта манзили: **deltaqurmah@mail.ru.**

3. Фаолиятининг мақсади ва предмети (фаолият турлари)

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади ўз фаолияти натижасидан фойда олиш.

3.2. Жамият фаолиятининг предмети (фаолият турлари) куйидагилардан иборат:

турар-жой биноларини ҳамда ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга объектларни куриш ва фойдаланишга топшириш;

аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш, шу жумладан шахсий турар-жой уйлари, дала-ховли уйчалари, таъмирлаш-курилиш ишлари бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш;

инвестиция ва бошқа давлат дастурларида иштирок қилиш;

шахсий ёки ижарага олинган транспорт билан транспорт орқали юк ташишлар;

тикланишни ривожлантириш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларни, шу жумладан ижтимоий ривожланиш объектларини тўлик (капитал) таъмирлаш;

халқ истеъмол молларини, ишлаб чиқариш-техник, аграр-саноат мақсадлари учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда уларни улгуржи ва чакана реализация қилиш;

тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти;

саноат ва ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланган объектлар курилишини ташкиллаштириш ва олиб бориш, курилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

инвестиция фаолияти, молиявий ёрдам кўрсатиш;

ўз маҳсулотларини ва бошқа маҳсулотларни сотиш учун дўконлар, савдо уйлари очиш;

кўрғазмалар, кўрғазма-савдолари, тақдимотларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали қўшма корхоналарни ташкил қилиш;

курилиш материалларини, буюмлар ва конструкцияларини ишлаб чиқариш;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ва бошқа материалларни нақд ҳисоб-китобга жисмоний ва юридик шахсларга реализация қилиш;

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш ҳақлидир.

3.3. Жамият махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган ҳолда амалга ошириладиган ўз фаолият турларини амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширади.

4. Жамиятнинг Устав фонди

4.1. Жамият Устав фонди унинг Иштирокчилари улушларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамият Устав фонди унинг кредиторлари манфаатларини кафолатловчи унинг мол-мулкининг энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Жамият Устав фонди **584 860 000** (беш юз саксон турт миллион саккиз юз олтмиш минг) сўмни ташкил этади.

4.4. Жамият Иштирокчиларининг Устав фондидаги улушлари қуйидагича:

Иштирокчилар	Улушнинг номинал қиймати, сўм	Улушнинг миқдори, фоиз
«V L GALPERIN NOMIDAGI TOSHKENT TRUBA ZAVODI» Ma'suliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo'shma korxonasi	87723900	15,0
«IRON COMMERCIAL LP» Компанияси (Hong Kong)	89 300 000	15,269
«PO`LAT-QUVURSERVIS» Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo'shma korxonasi	407166100	69,618
Djumamuratov Baxtiyar Elmuratovich	49 000	0,008
Gilmanov Nail Salmanovich	48 000	0,008
Jaimbetova Tamara Nurullayevna	153 000	0,026
Miradullayeva Umida Yakubjanovna	21 000	0,004
Mesheryakov Yevgeniy Fedorovich	30000	0,005
Sabirov Abror Sabirovich	20 000	0,003
Sabirova Mutabarxon Yunusovna	37 000	0,006
Shahnazarov Aleksandr Eduardovich	20 000	0,003
Sim Varvara	67 000	0,011
Vagapova Madina Hakimovna	40 000	0,007
Xodjinazarova Ra'no Tulkunovna	81 000	0,014
Xudaybergenov Zaxit Yunusovich	70 000	0,012
Xan Sveta Inokentevna	34000	0,006
Жами:	584 860 000	100

4.5. Жамиятнинг Устав фондидаги Иштирокчиларнинг улушлари пул, мол-мулк, асбоб-ускуна, кўчмас мулк, интеллектуал мулк ва ҳоказолар билан киритилиши мумкин.

4.6. Ўз улушини ўз вақтида киритмаган ёки киритмаган Иштирокчи бошқа Иштирокчилар олдида жавобгар ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган тартибда унга нисбатан таъсир чораси кўрилади.

4.7. Жамият Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорига асосан Жамиятнинг Устав фонди миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

4.8. Жамиятнинг Устав фондининг кўпайтирилиши фақатгина Иштирокчилар ўз улушларини тўлиқ киритгандан сўнг амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилиши Иштирокчиларнинг қўшимча улушлари ҳисобидан ва/ёки Жамият ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг Устав фонди Жамият ҳисобидан кўпайтирилиши тўғрисида қарор фақат ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йил Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилиниши мумкин.

4.9. Жамият ўз Устав фонди Жамият Иштирокчиларига тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш ва/ёки Жамиятга тегишли бўлган улушларни тўлаш йўли билан камайтирилиши мумкин. Жамият Устав фонди камайтирилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамият Устав фонди камайтирилиши ва унинг янги миқдори тўғрисида унга маълум бўлган Жамиятнинг барча кредиторларни хабар қилиши шарт, ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисида хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

4.10. Жамият Устав фонди миқдорини ўзгартириш ҳақидаги қабул қилинган қарор Уставга ва Жамият Таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг учинчи шахслар учун кучга киради.

5. Жамият Устав фондидаги улушнинг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши

5.1. Жамият иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун, Жамиятнинг ёки Жамият бошқа Иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

5.2. Жамият Иштирокчиси ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

5.3. Жамият Иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

6. Жамият Иштирокчиларининг Жамиятдан чиқиши

6.1. Жамиятнинг Иштирокчиси ўз истаган вақтда қолган Иштирокчиларни розилигига қарамасдан ўз улушини олган ҳолда Жамиятдан чиқиши мумкин.

6.2. Жамиятдан чиққан ёки чиқарилган Иштирокчининг улуши Жамиятни ҳисобига ўтади. Бундай ҳолатда Жамиятдан чиққан ёки чиқарилган Иштирокчига унинг улушининг ҳақиқий қийматини тўлаб бериши ёки Иштирокчини розилиги билан ушбу улушнинг қиймати миқдорида Жамиятнинг мол-мулкни бир қисмини натура шаклида Иштирокчига беради.

6.3. Жамият ҳисобига ўтган улуш Жамият ҳисобига ўтган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорига асосан қолган Иштирокчилар ўртасида уларнинг Устав фондига қўшган улушига нисбатан тенг равишда тақсимланиши ёки битта ёхуд бир неча Иштирокчиларга сотилиши керак.

6.4. Жамият Иштирокчиси ўзгартирилганидан кейин Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига зарурий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши лозим.

6.5. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

7. Фойда ва зарарларни тақсимлаш шартлари ва тартиби. Захира фонди

7.1. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7.2. Жамиятнинг Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.3. Жамият фойдасининг унинг Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.4. Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

Жамиятнинг бутун Устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият Иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;

агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият қонунчиликга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;

агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фондидан ва Захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7.5. Жамият ўз Иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган қуйидаги ҳолларда Жамият иштирокчиларига фойдани тўлашга ҳақли эмас:

агар тўлаш пайтида Жамият қонунчиликга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда тўлов натижасида пайдо бўлса;

агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг Устав фондидан ва Захира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7.6. Мазкур Таъсис шартномасининг 7.5. бандида кўрсатилган ҳолатлар тугаганидан кейин Жамият ўз иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани тўлаши шарт.

7.7. Жамият фаолияти мобайнида вужудга келиши мумкин бўлган зарарлар Захира фонди ҳисобидан қопланиши мумкин.

7.8. Жамият Устав фондининг 15 фоизи кам бўлмаган миқдордаги Захира фонди ташкил қилинади.

8. Жамият органларининг таркиби

8.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар:

Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши;

Директор.

8.2. Жамиятнинг назорат органлари қуйидагилар:

Тафтишчи;

Ички аудит хизмати.

8.3. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

8.4. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – Директор томонидан амалга оширилади.

8.5. Жамиятнинг фаолияти устидан назорат қилиш учун Жамиятда Тафтишчиси сайланади ва ички аудит хизмати ташкил этилади.

9. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши

9.1. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши (бирлашиши, қўшилиши, ажралиб чиқиши, бўлиниши, қайта тузилиши) ва тугатилиши Иштирокчиларнинг Умумий йиғилишининг қарорига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

9.2. Ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилган вақтдан бошлаб Жамиятнинг тугатилиши яқунланган, Жамият эса ўз фаолиятини тамомланган деб ҳисобланади.

Ушбу Таъсис шартномасини имзоладилар:

1. Судзеница Викторий Александровна
2. Алдоширов Утасе Баширтабарович
3. Бектурганов Сргали
4. Абдурашадов Бахтиёр Ибрагимович
5. Тилъманов Насриддин Салманович
6. Жамидетова Мамара Нуриддиновна
7. Миродуллоева Умидна Давлатжановна
8. Менгеряков Евгений Фёдорович
9. Сабираев Абдор Сабираевич
10. Сабираева Мутабархан Юсуфовна
11. Шахназаров Александр Эдуардович
12. Сини Варвара Юрьевна
13. Ваганова Магина Закировна
14. Қурманқурова Рахмо Тўхтумуровна
15. Худойберганиев Зоҳир Юсуфович
16. Ҳан Светлана Инокентевна